

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТОВ ДИЛШОД КОДИРОВИЧ**

**ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ**  
**ФАЗОВИЙ ТАСАВВУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ**  
**ИЛМИЙ – МЕТОДИК АСОСЛАРИ**  
**(компьютер графикаси воситасида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (чизмачилик)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

УДК: 37.091.33:744

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Маматов Дилшод Кодирович**

Чизмачилик фанини ўқитишда ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини  
ривожлантиришнинг илмий – методик асослари (компьютер графикаси  
воситасида) ..... 3

**Маматов Дилшод Кодирович**

Научно-методические основы развития пространственного воображение  
учащихся в преподавание дисциплины черчения (на основе компьютерной  
графики)..... 21

**Mamatov Dilshod Kodirovich**

Scientific and methodological foundations for the development of spatial  
imagination of students in teaching the discipline of drawing (based on computer  
graphics) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТОВ ДИЛШОД КОДИРОВИЧ**

**ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ**  
**ФАЗОВИЙ ТАСАВВУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ**  
**ИЛМИЙ – МЕТОДИК АСОСЛАРИ**  
**(компьютер графикаси воситасида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (чизмачилик)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Ped1370 ракам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.


Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Маъмуров Баходир Бахшуллаевич</b> педагогика фанлари доктори (DSc), профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Рўзиев Эркин Искандарович</b> педагогика фанлари доктори, профессор <b>Камолов Ифтихор Бахтиёрович</b> педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Термиз давлат университети</b>

Диссертация химояси Бухоро давлат университети хузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 ракамли илмий кенгашнинг 20 21 йил «30» август соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14; факс: (+99865221-29-14, email: buxdu\_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 раками билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14).

Диссертация автореферати 20 21 йил «16» август кuni тарқатилди.  
(20 21 йил «16» август даги 3 -ракамли реестр баённомаси).



**С.Қ. Қаххоров**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**М.Ф. Атоева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори (PhD), доцент

**Ҳ.О. Жўраев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ахборот коммуникацион технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиб таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида янги инновацион ғоялар ҳамда лойиҳалар асосида дастурий таъминотларнинг яратилиши ва жорий қилиниши инсон тараққиётининг муҳим омили сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, АҚШнинг Indiana University Purdue University Indianapolis (IUPUI ) ҳамда University of North Carolina Wilmington (UNCW) таълим муассасалари ва Шарқий Англия университети (University of East Anglia) ҳамда Брэдфорд университетларида (University of Bradford) бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда компьютер графикаси, график дизайн йўналиши, компьютерли чизма геометрияси, 3D симуляторларда фазовий объектларни яратиш<sup>1</sup>, ўқув предмети ва воситаларини визуал график дастурлар ва виртуал тренажерлардан фойдаланиб моделлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида график моделлар билан иш кўриш қобилиятига бўлган талабнинг ошиб бораётгани натижасида, геометрик алмаштиришлар билан боғлиқ бўлган ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш муаммосини тадқиқ қилиш бўйича кенг кўламда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг барча бўғинларида таҳсил олувчиларнинг касбий салоҳиятини оширишда компьютер графикаси воситаларидан фойдаланиш тобора оммалашмоқда. Шу нуктаи назардан, бўлажак мутахассисларнинг компьютерли чизма геометрияси соҳаси бўйича фундаментал билим ва кўникмаларини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда замонавий техника ва технологияларнинг жадал тараққий қилиши, билимларнинг тез янгиланиши, сифатли ва самарали техника, технологияларнинг ҳаётга кириб келиши, замонавий ахборот – коммуникация тизимининг таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилишига катта эътибор берилмоқда. «Халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳалар жорий этилмоқда»<sup>2</sup>. Шу маънода баркамолликнинг муҳим сифатлари ҳисобланган мустақил ва ижодий фикрлаш қобилияти ҳамда мустақил билим олиш кўникмаси ҳар бир ёшда мактаб остонасидан бошлаб шахснинг ижтимоий тасаввурлари тизимида фазовий тасаввурларни ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон

---

<sup>1</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Computer\\_graphics](https://en.wikipedia.org/wiki/Computer_graphics)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. Манба: <https://lex.uz/docs/4312785>

«Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида», 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон «Халқ таълими тизимига янги тамойилларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** МДХ мамлакатлари олимлари томонидан касбий салоҳиятни оширишда компьютер графикаси воситаларидан фойдаланиш, ахборот коммуникация технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этиш бўйича Т.С.Северова, Л.Я.Нодельман, В.Г.Онушкин, А.Т.Фоменко, ва В.Е.Михайленколарнинг тадқиқотларни келтириб ўтиш ўринли<sup>3</sup>.

Чизмачилик фанининг фундаментал асослари ва ўқитиш методикаси ҳамда умумпедагогик ва умумметодик муаммолари Ю.Қирғизбоев, А.Х.Акбаров, Ш.К.Муродов, Ж.Я.Ёдгоров, Р.К.Исматуллаев, Д.Ф.Кўчкарлова, И.Раҳмонов, А.Умронхўжаев, Э.И.Рўзиев, П.Одилов, Н.Дж.Ядгаровлар<sup>4</sup> тадқиқотларида муайян даражада ўз ечимини топа олган.

Таълимга ахборот комуникация технологияларини жорий қилиш бўйича илмий тадқиқот ишлари республикамизда А.А.Абдикодиров, У.Ш.Бегимкулов, С.С.Ғуломов, Ф.Зокирова, М.Лутфиллаев, А.Хайитов, С.Раҳмонқулова ва К.Каримовлар<sup>5</sup> томонидан амалга оширилган.

<sup>3</sup>Гуманизация обучения компьютерной графике учащихся художественно-графических классов (2004); Технология обучения студентов художественно-графического факультета компьютерной графике : Дис. ... канд. пед. наук : 13.00.02 : Москва, 2000 275 с. РГБ ОД, 61:00-13/648-6; Начертательная геометрия - Задачи - Решение на вычислительных машинах Учеб. пособие / - Киев : КИСИ, 1979. - 66 с. : ил.; 20 см.; Инженерная графика. - К.: Вища шк. Головное изд-во, 1983,-295 с.;

<sup>4</sup>Чизма геометриядан масалалар тўплами. Ўқитувчи нашриёти.1976; Проблемы прогнозирования оруденения в рудных районах и полях. «Решение некоторых обратных метрических задач начертательной геометрии» Киев, 1967г; Конструирование архитектурных оболочек из квазиспироидальных поверхностей. Киев, 1978г; Чизмачиликда тасвирларни алмаштириш. – Бухоро: Зиё, 2001. - 19 б.; Чизмачиликда фазовий тасаввур // Халқ таълими. –Тошкент, 2001. - №2, - Б. 67-70.; Мактабда проекцион чизмачиликни компьютер воситасида ўқитиш // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2007, - №3. – Б. 64 - 67.; Ёдгоров. Н. Ж. Ахборот комуникация технологиялари чизмачилик таълимида // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2010, - №1. – Б. 63 - 66.

<sup>5</sup>Теория и практика интенсификации и подготовки учителей физико-математических дисциплин. (Аспект использования компьютерных средств в учебно-воспитательном процессе): Дис. ... докт. пед. наук. – Т.: 1990. - 360 с.; Электротехника ва электроника асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995.; Информатикадан машқларни компьютерда бажартиришининг назарий асослари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. - 211 б.

Жаҳон олимларидан И.М.Жонсон, А.Е.Бандура, С.Л.Вонг, М.К.Марти, Ҳ.Ҳ.Авила, Ж.Л.Ҳовард, Л.Р.Якоб, М.Ф.Бажарас, П.А.Эделенбос, Р.М.Жонсте, С.Ж.Деметриадис, Ф.М.Амари, П.К.Стоне кабиларнинг тадқиқот муаммосига оид илмий изланишлари алоҳида эътирофга лойиқ<sup>6</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университетига халқаро жаҳон банки томонидан молиялаштирилаётган Академик инновациялар фондининг 2019-2021 йилларга мўлжалланган АИФ 2/20-рақамли «Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш» мавзусидаги халқаро лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий ўрта таълим мактаблари чизмачилик фанини компьютер графикаси воситасида ўқитиш орқали ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ривожлантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- умумий ўрта таълим мактабларида чизмачилик фанини ўқитишда ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини компьютер графикаси воситасида ривожлантириш муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда илмий жиҳатдан асослаш;

- 8-9-синф ўқувчиларида фазовий тасаввурларини чизмачилик фанидаги фазовий объектларнинг тасвирини компьютер графикаси воситасида ривожлантириш имкониятларини ва педагогик шарт-шароитларини аниқлаш;

- чизмачилик фанидан геометрик образларни компьютер графикаси воситасида моделлаштириш орқали ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш;

---

<sup>6</sup> Creative Teaching Using Creative Teaching Methods in a Student – centered ESL Environment. Ivy Johnson. Ivy.m.johnson@gmail.com; Bandura A. (Ed.) Self-efficacy in changing societies. – New York: Cambridge University Press, 1995.; John H. Holland Redwood City, California. – Addison – Wesley, 1998; Wong S.L., Ab Jalil, Fauzi Mohd Ayub A., Abu Bakar K., Tang S.H. Teaching a discrete information technology course in a constructivist learning environment: is it effective for Malaysian pre-service teachers? The Internet and Education, Volume 6, Issue 2, 2003, – P. 193 – 204.; Maria del Mar Camacho I Marti. ISBN: 978–84–690–7634/ DL: T.1394 – 2007; Botcheva, L., Shih J., Huffman, L.C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L.Botcheva, J.Shih, L.C.Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. – P.176 – 188.; Mario Barajas, Frederique Frossard (University of Barcelona). Docent – digital creativity enhanced in teacher education. Framework of digital creative teaching competences. This project has been funded with support from the European Commission.; Larsen, Lars Jacob Ege, «Teacher and student perspectives on a blended learning intensive English program writing course» (2012). Demetriadis S. «Cultures in negotiation»: teachers’ acceptance/resistance attitudes considering the infusion of technology into schools, Computers and Education, Volume 41, Issue 1, 2013, – P. 19-37.; Amire F. IT – literacy for language teachers: should it include computer programming System, Volume 28, Issue 1, 2015, – P. 77-84.; A professional development program for the mother tongue based teacher: addressing teacher knowledge and attitudes about MTBMLE A Dissertation Presented by Rebeccf Paulson Stone [https://scholarwork.umass.edu/chi/viewcontent.cgi?article=1593&context=open\\_access\\_dissertations](https://scholarwork.umass.edu/chi/viewcontent.cgi?article=1593&context=open_access_dissertations); Avila, H.A (2015). Creativity in the English class: Activities to promote EFL learning. how, 22(2), 91 – 103. This article is licend under a Creative Commons Attribution – Non Commercial – No Drevatives 4.0 International License. License Deed can be consulted at <http://creativecommons.org/licenses/by-nc-nd/4.0/>;

- компьютер графикаси воситасида ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш ҳамда тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумий ўрта таълимда чизмачилик фанини компьютер графикаси воситасида ўқитиш орқали ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш жараёни танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни умумий ўрта таълим чизмачилик фанини компьютер графикаси воситасида ўқитиш орқали ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш шакллари, методлари ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий таҳлил қилиш, лойиҳалаш, суҳбат, сўровнома, кузатиш ҳамда тажриба-синов ишларини ўтказиш ва натижаларни статистик-математик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- умумий ўрта таълим чизмачилик фанини ўқитишда кўргазмалилик, тизимлилик ва ахборотлилик каби дидактик тамойиллар орқали ўқувчиларда фазовий тасаввурнинг ташкилий-функционал компонентларини визуаллик, образлилик ва креативлик каби компьютер графикаси асосида такомиллаштирилган;

- 8-9-синф ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини характерловчи геометрик образлар таърифи ва таснифи асосида “Сингвайш”, “Тармоқлар”, “3D композиция” каби интерфаол таълим методлари ишлаб чиқилган ҳамда ўқувчиларда фазовий тасаввурларни ривожлантириш методикаси асосланган;

- компьютер графикаси воситасида фазовий тасаввурни ривожлантиришнинг график топшириқлар тизими, интернет платформаси ва анимацион моделлар мажмуасини ишлаб чиқиш асосида чизмачилик фанининг ўқув-методик таъминоти такомиллаштирилган;

- чизмаларни танлаш ва янги объектларни хаёлий тасвирлаш тамойиллари асосида компьютер графикасидан фойдаланиб ўқувчиларда фазовий тасаввурларини юқори, ўрта ва паст даражаларда баҳолашнинг репродуктив, конструктив ва ижодий мезонлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

- чизмачилик фанини ўқитишда компьютер графикаси воситасида ўқувчиларда фазовий тасаввурларни ривожлантириш илмий-методик муаммо сифатида тавсифланиб, чизмачиликдаги фазовий геометрик образлар, билиш фаолияти, хаёлий тасаввурларни ўқувчиларда фазовий тасаввурни ривожлантиришдаги имкониятлари аниқланган;

- компьютер графикаси воситасида фазовий геометрик образларни яратиш методикаси, график фаолиятнинг турлари, ўзига хос хусусиятлари ва методик таъминотини амалга оширувчи ҳамда уларнинг ўқувчиларда график тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган “Муҳандислик компьютер графикаси” дарслиги нашр қилинган ва амалиётга татбиқ этилган;

- чизмачилик фанини ўқитишда компьютер графикаси воситасида ўқувчиларда фазовий тасаввурни ривожлантирадиган машқларни ўз ичига

олган “Инженерная компьютерная графика”, “Компьютер графикаси” ва “Чизмачилик” ўқув қўлланмаси тайёрланган ва амалиётга жорий қилинган;

- чизмачилик фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда фазовий тасаввурни ривожлантиришга кўмаклашувчи таълимнинг ахборот – лойиҳалаш ва моделлаштириш имкониятларини акс эттирувчи “Компьютер графикаси” электрон ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоб, интервьюлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ўрта таълим мактабларида чизмачилик фанини ўқитишда компьютер графикаси воситасида ривожлантиришни амалга оширувчи ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш йўналиши аниқланганлиги, унинг самарадорлигини таъминловчи омиллар илмий-назарий жиҳатдан асосланганлиги, назарий ва методик ғоялар, таклиф қилинган технологиялар, ишлаб чиқилган самарали методлар, чизмачилик фани ўқитувчисининг компьютер графикаси воситаларини машғулотларда қўллашдаги фаолиятини инновацион технологиялар асосида лойиҳалаш, бу асосда ўқув қўлланма, услубий қўлланма, услубий кўрсатмалар яратиш ҳамда уларни чизмачилик дарсларида самарали татбиқ этилиши билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация ишида ишлаб чиқилган методикадан умумий ўрта таълим мактабининг 8-9-синфларида чизмачилик дарслари ва дарсдан ташқари машғулотларда оптимал фойдаланиш, чизмачилик ўқув фани мазмунини такомиллаштиришга қаратилган манба сифатида амалга татбиқ этиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумий ўрта таълим мактабларида чизмачилик фанини ўқитишда ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини компьютер графикаси воситасида ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-методик ва амалий таклифлар асосида:

- геометрик образлар таърифи ва таснифи асосида фазовий геометрик образларнинг хусусиятларини узвийлаштиришга қаратилган “Сингвайш”, “Тармоқлар” ва “3D композиция” каби интерфаол таълим методлари қўллаш “Муҳандислик компьютер графикаси” дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сон буйруғи, 648-020 рақамли гувоҳнома). Натижада, умумий ўрта таълим мактабларида чизмачилик фанини ўқитишда ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини компьютер графикаси воситасида ривожлантиришга кўмаклашадиган педагогик усуллар ва технологиялар такомиллаштирилган;

- ўқувчиларнинг дарс ва дарсдан ташқари вақтларда мустақил ишлашига мўлжалланган ахборот – таълимни лойиҳалаш ва моделлаштириш имкониятларини акс эттирувчи график топшириқлар тизими, интернет платформаси ва анимацион моделлар мажмуаси ҳамда чизмачилик фанини ўқитишда ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини компьютер графикаси воситасида ривожлантиришга доир тавсиялар “Инженерная компьютерная графика”, “Компьютер графикаси”, “Чизмачилик” ўқув кўлланмалари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-346 рақамли гувоҳнома). Натижада, замонавий талаблар асосида методик адабиётлар тайёрлаш бўйича дарсликлар базаси яна бир илмий-амалий ёрдамчи манба билан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 23 та, шу жумладан, 1 та дарслик, 3 та ўқув кўлланма, Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 12 та мақола, шундан 6 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар учун давлат интеллектаул мулк агентлигидан 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг умумий ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг мамлакат фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чизмачилик фанини ўқитишда 8-9-синф ўқувчиларида фазовий тасаввурларни ривожлантириш илмий-методик муаммо сифатида”** деб номланган биринчи бобида турли даврларда ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларни ривожлантириш, чизмачилик дарсини ўқитиш жараёнида компьютер техникаси имкониятларидан фойдаланишга доир илмий-тадқиқотлар таҳлил қилинган ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан амалга оширилган илмий-методик ишлар натижаси асосида тадқиқотнинг долзарб муаммо эканлиги асосланган.

Баркамол, комил инсон тарбиясида умумий ўрта мактабнинг ўқув режасидан ўрин олган филология, ижтимоий, аниқ, табиий ва иқтисодий, амалий фанлар муҳим ижтимоий – педагогик аҳамият касб этади. Амалий

йўналишда “Чизмачилик” фани ёш авлодда тадбиркорлик, ишбилармонлик, бунёдкорлик, яратувчилик фазилатларини шакллантирувчи, ривожлантирувчи фан ҳисобланади. Зеро, бу фан геометрик образлар, хаёлий тасаввурлардан билиш фаолияти тўғрисида тушунчаларни баён этиб, ёшларнинг тафаккури, тасаввурларини ривожлантиради. Маълумки, ҳар қандай яратувчилик инсондан ўзининг хаёлий тасаввурига суянган ҳолда ижодий ёндашишни йўлга қўя олади. Бундай ижодкорликни шакллантиришда чизмаларни чизиш, уларнинг кўринишларини хаёлий тасаввур қилиш катта таълимий-тарбиявий аҳамият касб этади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки фазовий тасаввур, бу фазони идрок этиш, киши ўзини ўраб турган муҳитни чамалашининг муқаррар шартларидан бўлиб, унинг ушбу муҳит билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатида катта роль ўйнайди. У объектив равишда мавжуд бўлган фазонинг аксини ифода этади ва объектнинг шакли, ҳажми ва ўзаро биргаликда жойлашувининг идрок этилишини ўз ичига олади. Нарсанинг шакли, ўлчамини бошқа нарсаларга нисбатан ҳолатини таҳлил қилиш кишининг фаолияти жараёнида юз беради ва фазодаги таҳлил деб аталувчи аналитик-синтетик фаолиятнинг алоҳида юксак даражада намоён бўлишидан иборат бўлади.

Шундай қилиб, шахс камолоти учун фазовий тасаввурлар муҳим аҳамият касб этар экан, биз тадқиқотимиз жараёнида ўқувчиларда фазовий тасаввурларни ривожлантиришни илмий-методик муаммо сифатида тавсифлар эканмиз, даставвал унинг мантикий-таркибий тузилмаси белгилаб олинди (1–жадвалга қаранг).

Шахснинг табиат тўғрисидаги билимлари унинг шахсий тажрибаси билан боғлиқ равишда ўзида тасаввурлар тизимини ташкил этади. Тасаввур кенг миқёсли ёки тор бўлгани учун ҳам унинг ҳар бир шахсда шаклланганлик даражаси турлича бўлади. Зеро, тасаввур онгнинг зарур элементидир, чунки у тушунчаларнинг маъно ва мазмунини доимо нарсаларнинг образи билан боғлайди ва айнаи вақтда онгда предметларнинг ҳиссий образлари билан эркин равишда иш кўриш имкониятини беради.

Компьютер технологиялари – инсоннинг ақлий имкониятларини кучайтирувчи, билишнинг самарали усули ва инструменти сифатида, тадқиқот ишида компьютерли ўқитиш шакллари, воситалари ва усулларини жорий этиш ва анъанадаги ўқитиш услублари негизида замонавий ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Шунинг учун, “Чизмачилик фанини ўқитишда ўқувчилар фазовий тасаввурларини компьютер графикаси воситасида” ўрганиш ўқувчиларнинг қизиқишларини ривожлантиришга, фаол-техник фаолиятларини йўлга қўйишга, таълим жараёнини оширишга ёрдам берувчи жонли дидактик жараён ҳисобланади. Албатта, бу жараён ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди, уни ташкил этиш, яратиш лозим. Уни самарали амалга оширишда ўқувчи-ёшларнинг руҳий ҳолатлари, психологик хусусиятларини ҳисобга олиб унга таянишни унутмаслик лозим.

## 1–жадвал

**Ўқувчиларда фазовий тасаввурларни ривожлантиришнинг  
мантикий-таркибий тузилмаси**

<b>Хотира образлари</b>	<b>Хаёлий образлар</b>	<b>Хаёлий тасаввур образлари</b>	<b>Ижодий тасаввур образлари</b>	<b>Фазовий геометрик образлар</b>	<b>Билиш фаолияти</b>
Предметни муайян тушунчалар орқали хотирада ишламасдан тахминий кўринишда тасаввур қилиш	Жисм ёки ҳодиса тўғрисида мавжуд образларни фикран хотирада тиклайди ва улар тўғрисида янги бойитилган фаразлар билан тасаввур қилинади	Берилган ва тавсия этилган материаллар (чизма, тавсиф, яккол тасвир) ни фикран қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган янги образлардир	Янги яратилган образлар тизими бўлиб, жисм, нарсанинг лойиҳаси ихтиро, якка холдаги мустақил фаолият ёрдамида амалга оширилувчи образлар ҳисобланади	Геометрик элементлар ва улардан ташкил топган объектларни яхлит образли тасаввур қилиш	Ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида билмасликдан, билишга, мавҳум билишдан, аниқ, мукаммал билишга, ундан илмий-ижодий билишга йўналтирилган ҳаракатлар мажмуаси

**Диссертациянинг “Чизмачилик фанини ўқитишда компьютер графикаси воситасида ўқувчилар фазовий тасаввурини ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобда, чизмачилик дарсларида ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини компьютер графикаси воситасида ривожлантириш мазмуни ҳамда компьютер графикаси воситасида фазовий геометрик образни яратиш орқали ўқувчиларда фазовий тасаввурни ривожлантириш технологияси моҳияти очиб берилган.

Тадқиқот натижалари шундан далолат бермоқдаки, барча умумтаълим ўқув фанлари доирасида ўқувчиларда фазовий тасаввурни шакллантириш ва ривожлантиришда “Чизмачилик” фани етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Зеро, “Чизмачилик” бу проекциялаш усуллари, тўғри чизиқ, текислик ва тасвирларни ҳамда буюм (геометрик шакл ва жисм, техник деталь ва ҳоказо) моделини тайёрлашга ўргатадиган фан бўлганлиги учун ҳам ўқувчиларда фазовий тасаввурни ривожлантиришда етакчи ўқув фани ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини турли нарса ва жисмларнинг чизмаларини чизиш, расмларни хаёлан образларини яратиш, предметни муайян тушунчалар орқали хотирада ишламасдан тахминан тасаввур қилиш ёки жисмларнинг геометрик элементлар ва улардан ташкил топган объектларни яхлит образли тасаввур қилиш ёрдамида шаклланади ва ривожланиб боради. Бунинг учун “Чизмачилик” фани мазмунидан ўрин олган мавзуларда имкониятлар катта ҳисобланади.

8-9-синфлар учун яратилган дарсликлардаги мавзуларнинг яна бир методик-дидактик жихати фазовий геометрик образлар, ижодий тасаввур образлари, ҳаётий тасаввур образлари, ҳаётий образлар, хотира образларининг шаклланиши, билиш фаолиятининг ривожланишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларда ижодкорлик, бунёдкорлик, яратувчанлик қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашади.

Ўқувчиларда фазовий образларни шакллантириш орқали фазовий тасаввурни ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқишда, фазовий геометрик образларни шакллантириш орқали фазовий тасаввурини ривожлантириш анча мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён дир. Бунинг учун ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорлигидаги фаолияти лозим.

Ўқитувчи мавзу бўйича ўқув мақсадларини кўяди, унинг тўлиқ операцион - предмет таркиби, ҳар бир алоҳида операциянинг тартиби намуналарини беради. Ҳар бир ҳаракат ва операциянинг бажарилиши жараёнини назорат қилади, ҳамда у ҳар бир ўқувчининг вазифаларни бажарганлигини, агар бажарилган бўлса, у қандай йўллар билан қайта ишлаши лозимлигини кўриб чиқади ва тавсия беради. Тадқиқот мавзусидан келиб чиқиб чизмачилик фанини компьютер графикаси воситасида ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).


Чизмачилик ўқув предметини компьютер графикаси воситасида ўқитиш орқали ўқувчиларда фазовий тасаввурни ривожлантириш орқали уларда ихтирочилик, тадбиркорлик, яратувчилик кўникмаларини тарбиялаш мумкин бўлади. Шунини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотимиз жараёнида чизмачилик фанини компьютер графикасидан фойдаланиб ўқитиш орқали ўқувчиларда фазовий тасаввурни ривожлантиришнинг методик шарт-шароитлари ишлаб чиқилди. Бунинг учун:

-чизмачилик фанининг ўқитиш аҳволи, мавзуларни ўзлаштириш даражалари кабилар таҳлилига кўра фан бўйича ўрта ва қийин ўзлаштириладиган асосий мавзуларни компьютерли ўқитиш технологияси асосида ўқитиш вазифаси қўйилади;

-компьютерли ўқитиш технологиясининг афзалликлари, ўзига хос жиҳатлари кабиларга таянган ҳолда компьютер технологияларидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш вазифаси бажарилади;

-анъанадаги ўқитиш технологиясидан фарқли равишда, компьютерли ўқитиш технологиясини амалга ошириш учун зарур бўлган ўқитиш воситалари, ўқитиш шакллари ва фаол ўқитиш усуллари танланиб, белгилаб олинади ва ўқув жараёни режалаштирилади;


-ўқув режа ва дастур мавзуларини ўқитиш жараёнини режалаштиришда янги ўқитиш воситалари, шакл ва усуллари танланади. Ўқитиш усуллари асосида замонавий ўқитиш технологиясини амалга оширишда ўқитиш воситалари, шакли ва усуллари компьютер технологияларидан фойдаланишга йўналтирилган бўлиши кўзда тутилади;



1-расм. Чизмачилик фанини компьютер графикаси воситасида ўқитишда ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ривожлантириш модели

-компьютер технологияларидан фойдаланиш йўллари дарс жараёнида қўлланилади. Ишлаб чиқилган компьютер технологияларидан фойдаланиш йўлларининг қайси бири самарали эканлиги назорат ва натижаларга кўра аниқланади. Натижаларга кўра компьютер технологияларидан фойдаланиш йўлларининг шу гуруҳда яна қўлланилиши давом эттирилади, ёки компьютер технологияларидан фойдаланишнинг мақбул йўллари яна ишлаб чиқилади.

Ўқувчиларда фазовий тасаввурни ривожлантириш ишлари республикаимиз умумтаълим мактабларида қўлланилаётган анъанавий, илғор педагогик технологиялар, компьютер графикасидан фойдаланиш каби ўқитиш технологиялари, дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнига тадбиқ қилинди. Бунинг учун тадқиқот ишимизнинг амалий-йўналишида “Ўқувчиларда фазовий тасаввурни компьютер графикаси воситасида ривожлантиришда “Чизмачилик” фанини ўқитиш жараёнининг методик тизими” ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).



2-расм. “Чизмачилик” фанини ўқитиш жараёнининг методик тизими

Ўқувчиларда фазовий образларни шакллантириш орқали фазовий тасаввурни ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқишда тажриба шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг фазовий геометрик образларни шакллантириш орқали фазовий тасаввурини ривожлантириш анча мураккаб ва узок давом этадиган жараёндир.

Шулардан келиб чиқиб, «Ўқувчида фазовий геометрик образларни шакллантириш орқали фазовий тасаввурни ривожлантириш» деганда:

- ўқитувчининг аралашувисиз топшириқларни мустақил амалга ошириш учун ўқувчининг ўзига бу фаолиятнинг алоҳида элементларини бажаришни секин-аста ўтказиш жараёни, яъни ахборот-мотивация жараёни (бунда гап ўқувчиларнинг билиш фаолиятини қандай қилиб такомиллаштириш, мустақил бажариш учун унинг алоҳида элементларини қандай изчилликда бериш устида боради);

- мавзунини ўзлаштириш орқали геометрик образ воситасида фазовий тасаввурни ривожлантириш жараёнини яхлит билимлар тўплаш сифатида ривожлантириш, тузилма компонентларини (ҳам таркиб, ҳам жараён жиҳатидан ривожлантириш масалаларини) ҳал этишнинг ягона жараёнида эгаллаш;

- ўқувчиларнинг мустақил ва индивидуал ишларини ташкил этиш ва бошқариш орқали мақсадга эришишни амалга ошириш назарда тутилади.

**Диссертациянинг учинчи боби “Чизмачилик фанини ўқитишда компьютер графикасидан фойдаланиб ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантиришга оид тажриба-синов ишлари”** деб номланиб, ушбу бобда чизмачилик фанини ўқитишда ўқувчиларда фазовий тасаввурларни компьютер графикасидан фойдаланиб ривожлантиришга оид тажриба - синов ишлари ва уни ташкил этиш методикаси ҳамда 8-9-синф ўқувчиларида фазовий тасаввурни ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларининг натижалари ва самарадорлик даражаси мазмуни ёритилган.

Компьютерли таълимни илмий асосланган фазовий геометрик образлар асосида ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш ва шу асосда ўқувчиларда фазовий тасаввурни ривожлантириш назарияси ҳамда амалиётининг самарадорлик даражасини асослаш педагогик тажриба – синов ишларининг мақсади қилиб белгиланди. Бунинг учун Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларидан умумий ўрта таълим мактаблари тажриба майдони сифатида белгиланди. Тажриба-синов ишларида тажриба гуруҳида 274 нафар ўқувчи, назорат гуруҳида 276 нафар ўқувчи, жами 550 нафар ўқувчи респодент сифатида иштирок этишди.

Педагогик тажриба-синов ишлари жараёнида дастлаб ўқувчиларнинг чизмачилик фанини ўзлаштиришда компьютер графикасини қўллаш олиши билан боғлиқ масала ўрганилганда, ўқувчиларнинг муносабатлари тубдан ўзгарганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 8 ва 9-синфларнинг I ярим йиллигида чизмачилик фанидан тажриба ва назорат синфлари

ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида назорат ишлари олиб борилди. Назорат ишида 8-синф учун: а) яққол тасвири билан берилган детални таҳлил қилиш ва геометрик жисмларга ажратиш, б) ҳар бир чизмага мос техник расмни топиб, жавобини берилган жадвалга белгилаш. 9-синф учун: а) кўринишлар ва кесимларга қараб деталнинг яққол тасвирини топиш, б) ҳарфлар билан кўрсатилган чизмаларга мос келувчи кесим ва қирқимларни топиб жадвалга белгилаш, в) рақамлар билан кўрсатилган қирқимли чизмалар қайси техник расмга мос келишини аниқлаш каби топшириқлар берилди.

Шунга биноан педагогик тажриба ишларининг предмети, мақсади назарга тутган масалаларни ҳал этиш учун дастлаб тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилди. Бу методиканинг вазифалари қилиб қуйидагилар белгиланди.

1. Педагогик тажриба синов ишларининг предмети аниқлаш, мақсадини расмийлаштириш. Компьютерли таълимнинг самарадорлик даражасини ўрганиш, фазовий тасаввурни ривожлантиришга йўналган фазовий геометрик образларни таҳлил қилиш йўли билан самарадорликни аниқлаб, тадқиқот тажриба-синов ишларининг мақсади ва вазифалари шакллантириш.

2. Компьютерли таълим муносабати билан фазовий геометрик образларни ўқитиш тизимига киритилган янгиликларни асослаш. Фазовий геометрик образларни чизмачилик дарсларида ўқитиш шарт-шароитлари янгиланди, таълимни ташкил этиш, бошқариш, назорат қилишга яроқли фазовий геометрик образлар яратиш.

3. Педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигини ўрганиш ва тавсифлаш учун компьютерли таълимни изоҳли-кўргазмали таълим билан таққослаб унинг ўзига хос дидактик хусусиятларини кўриб чиқиш лозим бўлади. Шу муносабат билан тадқиқот жараёнида ўқувчилар изоҳли-кўргазмали ва компьютерли таълимга оид дарс ишланмалари ва уларнинг қурилиши билан таништириш, уларга тегишли тавсиялар бериш.

4. Компьютерли таълим шароитида ўқувчиларда юз берган индивидуал-руҳий ўзгаришларни изчил қайд этиб бориш лозим деб топилди ва шу мақсадда ўқувчиларни индивидуал кузатиш режаси ишлаб чиқилди. Унда ўқувчилар томонидан ўқув материалига оид ахборотларни қабул қилиш ва улар мазмунидаги топшириқларни аниқ, тўлиқ, диққат билан бажариш ҳамда билишга оид қизиқишни, топшириқларни мустақил белгилаш каби методик механизмларни қайд этиш.

5. Фазовий геометрик образларни ўқувчиларнинг тасаввурлари билан алоқадорлигини аниқлаш ва унинг самарадорлик даражасининг хусусиятларини ўрганиш. Дастурнинг самарадорлиги у нима мақсадда фойдаланишидан тортиб, компьютер конфигурациясигача бўлган элементларга боғлиқ бўлиб, уни бир мезон билан баҳолаш қийин. Шундай бўлса-да, бажарилиш тезкорлиги деганда берилган муайян вақт оралиғида


базариладиган амаллар миқдори, дастур ресурслари деганда у эгаллайдиган тезкор хотира, ташқи хотира, қурилмаларга мурожаат қилиш миқдори тушунилади. Шунга биноан дастуринг ишончилиги, ундаги хатоларнинг бартараф қилинганлик даражасини таъминлайди.

Тажриба ва назорат гуруҳи ўқувчиларининг ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида гуруҳларда ўзлаштириш баҳосининг  $X$ -ўрта арифметик қиймати  $X = (\sum x_i m_j) / N$  дан фойдаланилди. Бу ерда  $x_i$ -баҳо қиймати бўлиб, у 1, 2, 3, 4, 5 қийматларини олиши мумкин;  $m_j$ -мос баҳоларнинг такрорланиш сони;  $N$ -тажрибада иштирок этаётган ўқувчилар сони. Тажриба ва назорат гуруҳидаги ўқитиш самарадорлигини баҳолаш учун тажриба ва назорат гуруҳлари баҳоларининг ўрта арифметик қийматлари нисбати-самарадорлик коэффиценти  $\eta = x^*_T / x^*_N$  дан фойдаланилди. Бу ерда  $x^*_T$ -тажриба гуруҳида ўзлаштириш баҳоларининг ўрта арифметик қиймати,  $x^*_N$ -назорат гуруҳида ўзлаштириш баҳоларининг ўрта арифметик қиймати.  $\Delta$  ишончилилик эҳтимоли оралиғи қуйидаги формуладан аниқланди.  $\Delta = t_{g,m} \frac{\tau^*}{\sqrt{N-1}}$  Бунда,  $t_{g,m}$  – эркинлик даражаси ( $M = N-1$ ) қийматига ҳамда “ $X$ ” қиймати параметрининг ишончилилик оралиғига тегишли бўлмаслиги рост қийматининг эҳтимоллик фоизи билан аниқланувчи  $g$  миқдорга боғлиқ бўлган коэффицент;  $\tau^*$ -ўртача квадратик четланиш бўлиб,  $\tau^* = \sqrt{D^H}$  ва  $D^H$  – дисперсиянинг эмпирик қиймати;  $N$ -тажрибада иштирок этаётган ўқувчилар сони. Компьютер графикасидан фойдаланиб фазовий тасаввурларининг ривожланганлик даражалари ўтказилган тажриба-синов ишларида иштирок этган ўқувчиларда назорат гуруҳи ўқувчиларига нисбатан ривожланган, буни қуйидаги 3-жадвалда кўриш мумкин.

**Тажриба-синов ўтказилган умумий ўрта таълим муассасалари бўйича умумий натижалар**

**3-жадвал.**

Тажриба-синов ўтказилган умумий ўрта таълим мактаблар бўйича умумий натижалар	Кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида ўқувчи сони	%	Тажриба охирида ўқувчи сони	%	Тажриба бошида ўқувчи сони	%	Тажриба охирида ўқувчи сони	%
Аъло		55	20	95	34,7	48	17,3	61	22,1
Яхши		73	26,7	118	43,1	63	22,8	81	29,3
Қониқарли		115	42	61	22,2	142	51,4	130	47,1
Қониқарсиз		31	11,3	0	0,0	23	8,3	4	1,4



**3-расм. Tajriba-синов ўтказилган умумий ўрта таълим муассасалари бўйича умумий натижалар диаграммаси.**

Кўришиб турибдики тажриба гуруҳлари респодентлари фазовий тасаввурларининг ривожланганлик сифатлари назорат гуруҳи иштирокчиларига нисбатан ижобий кўриниш касб этиб, кўрсаткичлар анча юқори бўлган. Бу илмий – тадқиқот ишимизнинг мақсади ва вазифаларини амалга ошириш моҳиятидан келиб чиқиб, олиб борилган методиканинг аниқ ва тўғри белгиланганлиги назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳи самарадорлиги 15,0 фоизга ошганлигидан далолат беради. Илмий тадқиқот натижасида режалаштирилган барча вазифалар ҳал этилиб, қуйидаги назарий хулоса ва амалий таклифларга келинди:

### ХУЛОСАЛАР

1. Чизмачилик ўқитиш методикасида ўқувчилар фазовий тасаввурини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ўрганилди. Чизмачилик таълим жараёнини фаоллаштиришнинг муҳим шарт-шароитига фазовий геометрик образлар билан боғлиқ машқ ва масалалар ечиш, методик шарт-шароитга эса ўқув жараёнида ўқувчиларнинг ўқув фаолият турларини мақбул равишда алмаштириб турилиши зарур деган хулосага келинди.

2. Тадқиқотда педагогик-психологик нуқтаи назардан ўқувчилар график фаолиятининг хусусиятлари, ўқув жараёни дидактик таъминотининг аҳволи мактабда фойдаланиладиган методик ишланмаларнинг моҳияти ва йўналишлари, билиш фаолиятини ривожлантириш муаммолари нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Ўқитиш амалиётида фойдаланиладиган фазовий геометрик образлар ўқувчилар фазовий тасаввури ривожига турлича таъсир кўрсатиши аниқланди.

3. Умумий ўрта таълим мактаблари амалиётида ўқувчиларнинг график саводхонлик ҳолати аниқланди. “Чизмачилик” фани ўқитувчиларининг иш тажрибаси ўрганилиб, ҳар томонлама таҳлил қилинди. Чизмачилик фани бўйича илғор ўқувчиларининг иш усуллари тажриба-синов давомида аниқланди.

4. Чизмачиликда фазовий геометрик образларни компьютер графикаси воситасида ўқитиш ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ривожлантиришнинг самарали воситаси эканлиги назарий асосланди ва тажрибада синаб кўрилди.

5. Шуни таъкидлаш жоизки, 8-синфда тўғри бурчакли проекциялаш усулини ўқитиш қуйидаги тартибда, яъни “оддийдан мураккабга” тамойилига амал қилиб, дастлаб оддий геометрик жисмларнинг проекциясини битта, иккита ва учта проекция текисликда ҳосил қилишни, сўнгра оддий геометрик жисмлардан таркиб топган модел ёки детал проекция (кўриниш)ларини бажариш кераклигини тақозо этди ва тажриба-синов шу тамойил асосида ўтказилди. Бундай тартибда ўқитиш ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини шакллантириш ва уни фаоллаштиришда мазкур тамойилнинг самарадорлигини тасдиқлади.

6. Чизмачиликда фазовий геометрик образлар билан боғлиқ мавзулар бўйича мураккаблик даражасига қараб тузилган топшириқлар тажриба синфларида татбиқ этилди. Ўқувчиларнинг топшириқларни бажариш натижаси унинг самарадорлигини тасдиқлади. Топшириқларни ишлаб чиқилган методика асосида бажариш ўқувчиларнинг билим даражасини сезиларли даражада оширди. Тажриба гуруҳи ўқувчиларининг ўзлаштириши назорат гуруҳига нисбатан ўртача 15,0 фоиздан юқори бўлди.

Тадқиқот натижаси чизмачиликда компьютер графикаси воситасида ўқувчиларда фазовий геометрик образларни шакллантириш орқали уларда фазовий тасаввурни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича қуйидаги **тавсияларни** ишлаб чиқишга имкон берди.

– давлат таълим стандартида белгилаб қўйилган чизмачилик фанининг мақсад ва вазифалари ўқувчиларнинг фазовий тасаввури ва график тафаккурини шакллантиришдан иборат бўлиб, таълим жараёнида унга қўйилган талабларни ҳисобга олиш лозим;

– чизмачилик фанидан тайёрланган дарслик ва методик қўлланмаларда фазовий геометрик образлар мазмуни, уни ўқитиш махсус ишлаб чиқилган методик ва ёндашувлар асосида амалга оширилиши лозим;

– ўқув дастури, дарслик ва ўқув-методик мажмуалар яратишда фазовий геометрик образларга оид тушунчаларнинг таълим мазмунида чуқурроқ интеграциялашувига эришиш мақсадга мувофиқ;

– бўлажак чизмачилик фани ўқитувчиларини фазовий геометрик образлар мазмунидаги материалларни ўқитишга махсус тайёргарлиги ва уларда фазовий геометрик образларни ўқитиш бўйича методик билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш лозим. Шу сабабли чизмачилик фани ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнида фазовий геометрик образларни ўқитиш бўйича тайёргарлигини ва қайта тайёргарликдан ўтишини ташкил этиш;

– тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган чизмачилик дарсларида компьютер технологияси имкониятидан фойдаланиш бўйича яратилган илмий-методик тавсиялардан ўринли ва унумли фойдаланишга эришиш зарур.

**УЧЕНый СОВЕТ №PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНых СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МАМАТОВ ДИЛШОД КОДИРОВИЧ**

**НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ  
ПРОСТРАНСТВЕННЫХ ВООБРАЖЕНИЙ У УЧАЩИХСЯ В  
ПРЕПОДАВАНИИ ДИСЦИПЛИНЫ ЧЕРЧЕНИЯ  
(на основе компьютерной графики)**

**13.00.02- Теория и методика образования и воспитания (начальное образование)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ (PhD)**

**Бухара – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета ([www.terdu.uz](http://www.terdu.uz)) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Маъмуров Баходир Бахшуллаевич**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Рузиев Эркин Искандарович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Камолов Ифтихор Бахтиярович**  
доктор философии по педагогическим наукам (PhD)

**Ведущая организация:** **Термезкий государственный университети**

Защита диссертации состоится 30 августа 2021 года в 10.00 часов на заседании Ученого совета №PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 при Бухарском государственном университете (адрес: 200118, город Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел: (+99865221-29-14; факс: (+99865221-29-14, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрировано за № \_\_\_\_). (Адрес: 200118, город Бухара, улица М. Икбол, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14).

Автореферат диссертации разослан 16 августа 2021 года.  
(протокол реестра за № 3 2021 года).



  
**С.К. Каххаров**  
председатель Ученого совета по  
присуждению ученых степеней, д.п.н,  
профессор

  
**М.Ф. Атаева**  
секретарь Ученого совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор философии (PhD), доцент

  
**Х.О. Жураев**  
председатель научного семинара при  
Ученом совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н, (DSc), доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость диссертации.** Динамичное развитие информационно-коммуникационных технологий в мире, создание и внедрение программного обеспечения на основе новых инновационных идей и проектов во всех отраслях образования, науки и производства приобретают важное значение как важный фактор человеческого развития.

В частности, в таких образовательных учреждениях США как Indiana University Purdue University Indianapolis (IUPUI ) и University of North Carolina Wilmington (UNCW), и Университет Восточной Англии (University of East Anglia) и Брэдфордский университет (University of Bradford) в формировании профессиональных компетенций будущих специалистов важное значение приобретают области компьютерной графики, графического дизайна, компьютерной геометрии чертежа, создания пространственных объектов на 3D-симуляторах, моделирования учебных предметов и инструментов с использованием визуальных графических программ и виртуальных тренажеров<sup>1</sup>. В результате роста потребности в умении работать с графическими моделями по всему миру проводится масштабная научно-исследовательская работа по изучению проблемы развития пространственного воображения учащихся, связанной с геометрическими заменами. В частности, во всех звеньях системы образования развитых стран все большую популярность приобретает использование средств компьютерной графики в повышении профессионального потенциала обучающихся. С этой точки зрения, особое внимание уделяется совершенствованию механизмов формирования у будущих специалистов фундаментальных знаний и умений в области геометрии компьютерного чертежа.

В связи с интенсивным развитием современной техники и технологий, быстрым обновлением знаний, внедрением в жизнь качественной и эффективной техники и технологий, уделяется большое внимание внедрению в учебно –воспитательный процесс всех сфер современной информационно-коммуникационной системы. “В сферу народного образования внедряются современные информационно-коммуникационные технологии и инновационные проекты”<sup>2</sup>. В этом отношении способность к самостоятельному и творческому мышлению, а также навыки к самостоятельному получению знаний, являющиеся важными качествами совершенства, необходимы для дальнейшего углубления научных исследований по освещению пространственных воображений в системе социальных представлений личности в каждом возрасте, начиная со школьного порога.

---

<sup>1</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Computer\\_graphics](https://en.wikipedia.org/wiki/Computer_graphics)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. Манба: <https://lex.uz/docs/4312785>

Настоящее исследование в определенной степени способствует выполнению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5712 «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, №УП3080 «О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий» от 30 мая 2002 года, №УП-6079 «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» от 5 октября 2020 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3931 «О мерах по внедрению новых принципов управления в систему народного образования» от 5 сентября 2018 года, Обращении Президента Республики Узбекистан к Олий Мажлису от 29 декабря 2020 года а также других нормативно-правовых актов, относящихся к данной сфере деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено по приоритетному направлению развития науки и технологий республики I. “Социально-правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информатизированного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики”.

**Степень изученности проблемы.** Использование средств компьютерной графики в повышении профессиональной квалификации, внедрение информационных и коммуникационных технологий в учебный процесс исследованы такими учеными из стран СНГ как С.Северова, Л.Я.Нодельман, В.Г.Онушкин, А.Т.Фоменко и В.Е.Михайленко<sup>3</sup>.

